

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР
УЧАСТКАЛАРИ ТОИФАСИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2024

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тоифасини ўзгартириш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й. – 25 б.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тоифасини ўзгартириш тартиби бўйича услубий қўлланма Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларидаги ходимлар ва ердан фойдаланувчи шахслар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тоифасини ўзгартириш тартиби, бу соҳа билан боғлиқ амалга оширилган ислохотлар ҳамда ваколатли органларнинг вазифа ва функциялари содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	5
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	6
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	8
МУҲИМ ҚОИДАЛАР	11
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ВА ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ	13
ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	13
ТАКЛИФЛАРНИ ЎРГАНИШ	17
ИШЧИ ОРГАН ХУЛОСАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ	19
ИЛОВАЛАР	21

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Хусусан, ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкӣ ва ҳуқуқӣ муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодӣ қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тоифасини ўзгартириш тартиби, шунингдек бу соҳада ваколатли органлар ваколатлари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусиатлари соддароқ шаклда очиб берилган.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



**Ўзбекистон Республикасининг Президентининг
2022 йил 12 апрелдаги “Муҳандислик-
коммуникация тармоқлари учун ер
участкаларини ажратиш тартибини
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
ПҚ-204-сон қарори**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2023 йил 30 майдаги “Қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди
ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш
масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат
комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида”ги 222-сон қарори**

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ерлар (суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали доврахтлар эгаллаган ерлар);

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ер фонди тоифаси — ер фондининг асосий фойдаланиш мақсади, яъни ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадлар назарда тутилган ҳолда фойдаланишнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартлари асосида чегараланган қисми;

ер фонди тоифасини ўзгартириш — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини уларнинг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартириш орқали ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш жойига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ер тузиш лойиҳаси — суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсирни инобатга олган ҳолда тегишли объектни жойлаштириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг қисқариши билан боғлиқ зарарлар, тугалланмаган харажатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги кўрсатиб

ўтилган ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

суғориладиган ерлар — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий ёғингарчилик ҳисобига етиштириладиган ерлар;

ўрмон фонди ерлари — ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

яйлов — чорва моллари учун озиқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламига эга ерлар.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР:

- ✓ хайдаладиган ерлар;
- ✓ пичанзорлар;
- ✓ яйловлар;
- ✓ ташландиқ ерлар;
- ✓ кўп йиллик дов-дарахтлар (*боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар*) эгаллаган ерлар.



Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир.

ЕР ФОНДИ ТИПЛАРИ:



қишлоқ хўжалигига мўлжалланган

аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари



саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар



тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

ўрмон фонди ерлари



сув фонди ерлари



захира ерлар



❓ Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш қачон амалга оширилади?

➤ Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

➤ Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонунчиликда белгиланган тартиби ва шартларидир.

➤ Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

❓ Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказишда ваколатли органлар кимлар?

➤ Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш — **вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан** бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мустасно;

➤ суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш — **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан**;

➤ суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан.**



Ер фондининг тоифаси қандай ҳужжатларда белгиланади?

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган:

-  ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда;
-  кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирмаларда;
-  ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи шартномаларда;
-  бошқа ҳужжатларда;
-  давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади.

Ёдда тутинг

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини **ғайриқонуний деб** ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни **ҳақиқий эмас деб** топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни **рад этишга** асос бўлади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси

МУҲИМ ҚОИДАЛАР

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича **Ҳукумат комиссияси 1-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилган.



**Ҳукумат комиссияси
раиси**



Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчисининг
ўринбосари

**Ҳукумат комиссиясининг
ишчи органи**



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Ҳукумат комиссияси кўриб чиқиши учун масалалар **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари**, шунингдек, улар билан келишган ҳолда **республика ижро этувчи ҳокимият органларининг биринчи раҳбарлари** томонидан ишчи органга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ягона талаблар асосида киритилади;

ишчи орган **Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги** ва **Кадастр агентлиги** тизими ходимлари билан бирга жойига чиққан ҳолда ҳар бир тақлиф **Ер кодексининг 44 ва 45-моддаларида** ҳамда бошқа

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади, ўрганиш яқунлари бўйича ўз хулосасини Ҳукумат комиссиясига тақдим этади;

Ҳукумат комиссияси йиғилиши, қоида тариқасида, **ҳар ойда бир мартаба** унинг раиси ёки ишчи органи ташаббуси билан ўтказилади;

Ҳукумат комиссияси ҳар бир таклиф ва у юзасидан ишчи орган хулосасини кўриб чиқади ва **қарор қабул қилади**;

Ҳукумат комиссиясининг қарори **баён шаклида** расмийлаштирилади, баёнга Ер кодексининг 9-моддасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси** илова қилинади, баён ва фармойиш лойиҳаси уни ёқлаб овоз берганлар томонидан имзоланади;


Ҳукумат комиссияси аъзолари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси ишчи орган томонидан **Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун** белгиланган тартибда киритилади, бунда мазкур лойиҳаларни бошқа идоралар билан келишиш талаб этилмайди, лойиҳаларга ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартиришдан бошқа масалаларни киритишга йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги "Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" ПҚ-204-сон қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ВА ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



Ер участкаси хужжатларининг йиғмажилди қуйидаги маълумотлар асосида шакллантирилади:

 ер участкасининг рангли кадастр харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

 ер участкасининг жойлашган жойи (географик координаталари);

 ер участкасининг умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича);

 ер участкасининг тупроқлари тўғрисидаги маълумотлар (типи, таркиби, сифати ва унумдорлиги);

 ер участкасининг сув билан таъминланганлик даражаси бўйича хулоса;

 ер участкасининг кадастр рақами, контурлари сони ва рақами;

 ер участкасининг захирага олинган ва (ёки) олинмаганлиги, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва (ёки) ўтказилмаганлиги;

 ер участкасидаги мавжуд давлат кадастри объектлари (газ, алоқа ва энергетика объектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари, гидротехник иншоотлар, муҳофаза қилинадиган объектлар ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) тўғрисида маълумотлар;

 ер участкасидан сўнгги 5 йил ичида фойдаланиш ҳолати;

 ер участкасининг ер ости сувлари тўғрисида хулоса (лалми ва яйлов ер майдонлари учун);

 ер участкасида мавжуд ер усти ва ости қазилма бойликлари ва конлари тўғрисида хулоса;

 ер участкасидан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳисобига кутиладиган фойда тўғрисида маълумотлар;

 ер участкасини бошқа тоифага ўтказиш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари бўйича техник-иқтисодий асосномалар.

**туман (шаҳар)
ҳокимлиги**

• *таклифни ер участкаси ҳужжатларининг йиғмажилдини илова қилган ҳолда юборади*



**“Ўздаверлойиҳа”
давлат илмий-
лойиҳалаш
институтининг
ҳудудий бўлинмалари**

• *ўн иш куни ичида шартнома асосида ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади*



“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмалари **ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун** қуйидагиларни амалга оширади:

✔ ер участкасининг амалдаги ҳолати билан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг мувофиқлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;

✔ қурилиш объектининг ер участкаси контурлари чегараси, ички йўллар ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсирини инobatга олган ҳолда жойлаштирилаётганлигини аниқлаш;

✔ қурилиш объекти шаҳар қурилиши ҳужжатларига тааллуқли бўлганда, тасдиқланган шаҳар бош режасидан нусха олиш;

✔ ер участкасида давлат кадастри объекти мавжуд бўлганда, ер тузиш лойиҳасини қўшимча тарзда давлат кадастрини юритувчи ташкилот билан келишиш;

✔ ер участкасида кўчмас мулк ва (ёки) кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд бўлганда, уларни баҳолатиш учун туман (шаҳар) ҳокимлиги ва (ёки) манфаатдор ташкилотга мурожаат қилиш ҳамда баҳолаш ҳужжатини ер тузиш лойиҳасига илова қилиш.

Ёдда тутинг

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмаси қуйидаги камчиликларни бартараф этиш учун тақдим этилган ҳужжатларни туман (шаҳар) ҳокимлигига қайтариши мумкин:

❗ ер участкаси ҳужжатларининг йиғмажилди тақдим этилмаганда;

❗ йиғмажилдда зарур ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;


❗ қурилиш объекти жойлашув жойидаги ҳолатга мос келмаганда;

❗ кўчмас мулк ва (ёки) кўп йиллик дарахтзорлар баҳоланмаганда;

❗ ер фонди тоифаси ва (ёки) ер турида фарқ мавжуд бўлганда.

Ер участкасининг ер тузиш лойиҳасида қуйидагилар акс эттирилади:


- қурилиш объектининг ердан фойдаланиш мақсадига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини бошқа ер фонди тоифасига ўзгартириш;
- қурилиш объектини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар орқали ўтказишда уларнинг ер участкаси контурлари чегараси, ички йўллар ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсири инобатга олинган ҳолда жойлаштирилганлиги асосланиши;
- қурилиш объектининг жойлаштирилиши ҳисобига ер участкаси тупроғи унумдорлигининг пасайиши, ирригация ва мелиорация тизимининг бузилиши билан боғлиқ зарарлар;
- ер участкасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори;
- ер участкаси мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига етказиладиган зарарлар;
- ер участкасида агротехник тадбирлар учун сарфланган харажатлар.



Бу мухим

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониға мувофиқ қишлоқ ва ўрмон хўжалигига етказиладиган зарар (нобудгарчиликлар миқдори)ни ҳисоблаш ҳамда ушбу ер участкасидан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан бошқа мақсадда фойдаланиш ҳисобига кутиладиган фойда, яратиладиган иш ўрни ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари бўйича техник-иқтисодий асоснома кўрсатилиши шарт.

ТАКЛИФЛАРНИ ЎРГАНИШ



уч иш
куни
ичида

Ишчи орган туман
(шаҳар)
ҳокимликлари
таклифларини
умумлаштиради.


Сув хўжалиги вазирлиги,
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги ҳамда
Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги ҳузуридаги Кадастр
агентлигининг ҳудудий
бўлинмаларига юборади.


бир
ҳафта
муддатда

Ишчи орган Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий
бўлинмалари билан биргаликда
таклифларни жойига чиққан ҳолда Ер
кодексининг 44 ва 45-моддаси ҳамда
бошқа қонунчилик ҳужжатлари
талабларига мувофиқлигини
ўрганади.

Ўрганиш натижалари
бўйича жойида
далолатнома
расмийлаштирилади ва
ишчи органга тақдим
этилади.

Далолатномада алоҳида қимматга эга бўлган ва тупроқ унумдорлиги туманнинг ўртача балл бонитетидан юқори бўлган суғориладиган ерлар ҳамда ўрмон фондининг ўрмон билан қопланган ерлари, шунингдек, ер участкасидан фойдаланиш ҳолати (*фойдаланиш учун берилган ёки захирага олинганлиги*) тўғрисида маълумотлар киритилади.





Қуйидаги ҳолларда ишчи орган томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари таклифлари рад этилади:

! алоҳида қимматга эга бўлган ва тупроқ унумдорлиги туманнинг ўртача балл бонитетидан юқори бўлган унумдор суғориладиган ерлар;

! ўрмон фондининг ўрмон билан қопланган ерлари;

! фойдаланиш учун берилган ва туман ҳокимлиги захирасига олинмаган ерлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар тақдим этилганда.

Ёдда тутинг

Иккинчи ва учинчи талабларга мувофиқ рад этилган ерлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар қайта кўриб чиқилмайди.

Бу муҳим

Агар, муҳофаа ва давлат хавфсизлиги эҳтиёжлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шу жумладан, автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизимлари объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, ариқлар, каналлар, ҳавзалар ва бошқа сув иншоотларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда қуриш (реконструкция

қилиш) имкони бўлмаган тақдирда, ушбу объектларни қуриш (реконструкция қилиш) учун ер участкаси тоифасини ўзгартиришда мазкур банд талаблари истисно қилиниши мумкин.

Бунда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларга етказилган зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) Ўзбекистон Республикасининг "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибда қопланади.

Қуйидаги ҳолларда ишчи орган томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари таклифлари қайта ишлаш учун қайтарилади:

✔ ер участкасининг ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилмаганда;

✔ ер участкаси тоифасини ўзгартириш ҳисобига қишлоқ ва ўрмон хўжалигига етказиладиган зарар миқдори аниқланмаганда;

✔ ер участкасидан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳисобига кутиладиган фойда тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаганда;

✔ ер участкаси тоифасини ўзгартириш ҳисобига яратиладиган иш ўринлари ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари бўйича техник-иқтисодий асосномалар берилмаганда.

ИШЧИ ОРГАН ХУЛОСАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ





Ҳукумат комиссияси баёнига **Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 9-моддасига** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси илова қилинади.

Ҳукумат комиссиясининг баёни ва фармойиш лойиҳаларига *Ҳукумат комиссияси аъзоларининг **камида учдан икки қисми** овоз берганда*, улар томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун икки иш куни ичида Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Бунда:

фармойиш лойиҳаларини бошқа идоралар билан келишиш талаб этилмайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарларининг овозлари фақат ўз ҳудуди бўйича қабул қилинади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари қабул қилинганидан сўнг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси **ўн беш иш куни ичида** қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ер фондига тегишли ўзгартишлар киритади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 майдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 222-сон қарори

ИЛОВАЛАР

1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси

ТАРКИБИ

1. *Лавозимига* — Ўзбекистон Республикаси Президенти
кўра маслаҳатчисининг ўринбосари, *Комиссия раиси*
2. *Лавозимига* — қишлоқ хўжалиги вазири, *Комиссия раиси*
кўра ўринбосари
3. *Лавозимига* — сув хўжалиги вазири
кўра
4. *Лавозимига* — Кадастр агентлиги директори
кўра
5. *Лавозимига* — Ўрмон хўжалиги агентлиги директори
кўра
6. *Лавозимига* — Бош прокурор ўринбосари
кўра
7. *Лавозимига* — инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг
кўра биринчи ўринбосари
8. *Лавозимига* — рақамли технологиялар вазирининг биринчи
кўра ўринбосари
9. *Лавозимига* — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири
кўра ўринбосари
10. *Лавозимига* — тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари
кўра
11. *Лавозимига* — ички ишлар вазири ўринбосари
кўра
12. *Лавозимига* — адлия вазири ўринбосари
кўра
13. *Лавозимига* — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
кўра Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари
14. *Лавозимига* — Бош вазир котибияти масъул ходими, *Комиссия*
кўра *котиби*


Изоҳ: Ҳукумат комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юқланган шахслар киритилади.

Ҳукумат комиссияси кўриб чиқиши учун масалаларни киритган ташкилотлар раҳбарлари унинг йиғилишига чақирилиши мумкин.




2-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш СХЕМАСИ

I. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш



II. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни ўрганиш



III. Ҳукумат комиссияси томонидан ишчи орган хулосаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш

1

Ҳукумат комиссияси

5 иш куни
ичида

Ишчи орган томонидан тақдим этилган туман (шаҳар) ҳокимликлари таклифлари ва хулосаларни кўриб чиқиб, тегишли баён шаклида қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

2

Ҳукумат комиссияси

2 иш куни
ичида

Ҳукумат комиссияси йиғилиши баёнини расмийлаштириб, унинг аъзолари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

3

Кадастр агентлигининг
Давлат кадастрлари
палатаси

15 иш куни
ичида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари қабул қилинганидан сўнг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ер фондига тегишли ўзгартишлар киритади.